Ўзбекистон Республикаси бюджет
тизими бюджетларининг ғазна
ижроси коидаларига
8-илова

**2022 й."05"01** HAYIT TOLIB-SOXIB ф\х **ва Ромитан тумани Мактабгача таълим булими билан**
**13 127 400 умумий суммадаги № 5-сон шартномага**
**ТЎЛОВ ЖАДВАЛИ**

**Боб 251**
**Шахсий ғазна хисоварағи: 400522860062427091100251034**

*(сўмда)*

| 2022 й. ойлар номи | Харажатлар тури | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 7091 100 251 (42 52 300) | …(*) | …(*) | |
| Январ | 13 127 400 | | | 13 127 400 |
| Феврал | | | | |
| Март | | | | |
| Апрел | | | | |
| Май | | | | |
| Июн | | | | |
| Июл | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябр | | | | |
| Октябр | | | | |
| Ноябр | | | | |
| Декабр | | | | |
| **Жами йил бўйича** | 13 127 400 | | | 13 127 400 |

Жами; **13 127 400 (Ун уч миллион бир юз йигирма етти минг)** сум сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 3 938 220 сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан 30 % 2022 йил январь ойида тўланиши лозим.

М.Ў.

Раҳбар ______ Х.Ахтамов
(имзо)

Бош ҳисобчи ______ А.Бакоев
(имзо)

Ғазначилик бўлинмаси
ходими қабул қилди ______________
2022 й. «____»___________ (имзо)

Бюджетдан маблағ олувчи
ходими қабул қилди ___________
2022 й. «____»___________ (имзо)

**ШАРТНОМА № 5**

**Махсулот етказиб бериш тўғрисида.**

Ромитан шахри. 05.01.2022 йил

Ушбу шартномага асосан бир томондан HAYIT TOLIB-SOXIB ф\х рахбари С.Саидов тимсолида(кейинги уринларда «Махсулот етказиб берувчи»)хамда иккинчи томондан Ромитан туман Мактабгача таълим булими рахбари Х.Ахтамов тимсолида(кейинги уринларда «Сотиб олувчи») ўртасида тузадилар ушбу шартномани куйидагилар хакида:

**1.Шартнома предмети.**

1.1 Махсулот етказиб берувчи узи етиштирган ёхуд сотиб оладиган махсулотини Сотиб олувчига ушбу шартномада кўрсатилган муддатда хамда кўрсатилган спецификацияга асосан ўз вактида етказиб беришни, Сотиб олувчи эса махсулотни кабул килишни ва хакини ўз вактида тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Махсулот номи | Улчов бирлиги | Микдори | Нархи | Сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Сут | Литр | 3366 | 3900 | 13 127 400 |
| | **ЖАМИ:** | | | | **13 127 400** |

**2.Етказиб бериш шартлари.**

2.1 Махсулот етказиб берувчи буюртма тушганидан сунг 3 кун ичида буюртмада кўрсатилган микдорда сотиб олувчига махсулотни етказиб беради.
2.2 Махсулот етказиб берувчи махсулотни автомобил транспортида сотиб олувчининг омборига етказиб беради.
2.3 Махсулот етказиб бериш вакти махсулот омборхонага етказиб берилган вакт хисобланади.
2.4 Махсулотга эгалик хукуки Сотиб олувчига махсулот омборхонага етказиб берилган вактдан хисобланади.

**3.Тарафларнинг хукук ва мажбуриятлари.**

3.1 Сотиб олувчи 3 кун олдин махсулот етказиб берувчига буюртма беради.
Буюртмада куйидагилар курсатилади:1.Махсулот микдори 2.Махсулотнинг сифати 3.Махсулот ассортименти
3.2 Махсулот етказиб берувчи 24 соат ичида сотиб олувчига махсулот юборилаётганлиги хакида хабар бериши лозим Хабарда куйидагилар: Транспорт тури ва давлат раками, махсулотнинг номлари, микдори ва сифати, омборхонага траспортнинг тахминий етиб келиш вактини кўрсатади. Хабар факс,комьпютер тизими оркали хам юборилиши мумкин.
3.3 Сотиб олувчининг ўзи махсулотнинг етказиб бериш вактини хамда махсулот ассортименти ва микдорини белгилайди.
3.4 Махсулот етказиб берувчи махсулот етказиб беришни ўз вактида амалга оширмаганида, етказилмаган махсулотларни ушбу холат аникланган кундан бошлаб 3 кун ичида сотиб олувчига етказиб беради ёхуд сотиб олувчининг розилиги билан кейинги етказиб беришда ушбу шартнома амал килиш доирасида етказиб беради.
3.5 Сотиб олувчи Махсулот етказиб берувчини огохлантирган холда кечиктириб етказилган махсулотларни кабул килишдан бош тортиши мумкин.

**4. Шартнома киймати ва хисоб-китоб килиш тартиби.**

4.1 Махсулотларнинг умумий киймати **13 127 400 (Ун уч миллион бир юз йигирма етти минг)** сўмни ташкил килади.
4.2 Махсулотлар ассортименти, микдори, нархи томонлар томонидан тузиладиган спецификацияда курсатилади.
4.3 Шартнома буйича олдиндан тўлов **3 938 220** сум ёки 30% килиб белгиланади. Колган **9 189 180** сум ёки 70% тулов махсулот етказиб берилганидан сўнг 31 кун ичида туланади.
4.4 Махсулот нархининг ўзгариши факат тарафлар келишувига асосан булади.
4.5 Шартноманинг 4.1 кисмида кўрсатилган киймат ўзида солиқлар,транспорт харажатлари хамда
махсулот етказиб берувчини ушбу шартнома шартларини бажариши билан боглик булган бошка харажатларни уз ичига олади.
4.6 Сотиб олувчи махсулот етказиб берилганидан сунг 30 банк кунида шартноманинг 4.3 банди буйича келишилган туловлар жадвали буйича Махсулот етказиб берувчининг хисоб ракамига пул кучириш йули оркали накдсиз пул кўчиради.

**5.Махсулот сифати.**

5.1 Махсулот етказиб берувчи сотиб олувчига етказилган махсулотларнинг сифатига кафолат беради.
5.2 Сифатсиз махсулот аникланган кундан бошлаб 3 кун ичида Махсулот етказиб берувчи томонидан сифатсиз махсулот сифатли махсулот билан алмаштириб берилиши лозим.

**6. Махсулотни бериш ва кабул килиб олиш тартиби.**

6.1 Махсулотларни кабул килиб олишда сотиб олувчи жунатиш хужжатларига мос махсулотлар борлигини сифати ва микдорини текшириб кабул килиб олади.
6.2 Махсулотларни кабул килиб олиш далолатномаси тузилганидан сўнг текшириш тўлик олиб борилганлигини кўрсатади.

**7.Тарафларнинг жавобгарлиги**

7.1 Агар сифатсиз махсулот етказиб берилган бўлса сотиб олвчи махсулот етказиб берувчидан: Махсулот нархини туширишни, Махсулот етишмовчиликларини 10 кун ичида сотиб олувчининг харажатисиз коплашини, агар харажат килинган бўлса уни коплашини талаб килиши мумкин.
7.2 Агар етказиб берилган товарлар ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи товарларни қабул килиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.
7.3 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи сотиб олувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб

бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.
7.4 Агар махсулот етказиб берувчи Уашбу шартномага асосан етказиб бериши лозим булган махсулотни етказиб бера олмаса ёхуд сифатсиз махсулотларни келишилган муддатда алмаштириб бермаса Сотиб олувчи етказиб берилмаган махсулотларни бошка шахслардан сотиб олиш хукукига эга булади.
7.5 Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

## 8. Коррупцияга қарши курашиш шартлари.

8.1 Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни тарафлардан бири ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий кимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.
8.2 Агар шартнома бўйича бир тараф бошқа тарафнинг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиш керак: “1008” ишонч телефони, телеграм-канали “@anticorbot” орқали, ёки ҳудудий прокуратура органларига билдириш лозим.

## 9. Форс-Мажор ҳолатлари.

9.1 Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.
9.2 Ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас куч мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.
9.3 Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришига таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 15 кун давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

## 10. Келишмовчиликларни хал килиш тартиби

10.1 Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ, томонлар ўртасида келиб чиқадиган, шунингдек, етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар тарафларнинг ўзаро келишуви ёхуд қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

## 11. Бошка шартлар

11.1 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси ҳамда ЎзР Молия Вазирлигиининг 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруғи билан тасдиқланган “Бюджет тизими бюджетларнинг ғазна ижроси қоидалари”( Адлия вазирлигида 2016 йил 22 декабрьда 2850-сон билан рўйхатдан ўтказилган)га асосан шартнома тегишли тартибда ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ҳамда **31.12.2022** йилгача амалда бўлади.
11.2 Барча қўшимча ва ўзгартиришлар, ушбу шартнома буйича, ёзма равишда тузилиб томонлар томонидан имзоланиши лозим.
11.3 Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусхадан иборат бўлиб, улар томонларда бўлади.
11.4 Ушбу шартнома буйича талаб килиш хукуки учинчи шахсларга факат иккинчи томоннинг ёзма розилиги асосида бўлади.

## 12.Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари.

| Ижрочи | Буюртмачи |
|---|---|
| HAYIT TOLIB-SOXIB ф\х | Ромита тумани Мактабгача таълим булими |
| манзили: Ромитан Хазортут МФЙ | Манзил Ромитан ш. |
| Тел 99 3800935 | Тел. 55-2-21-41 |
| х\р 20208000104705335001 | х.р 400522860062427091100251034 |
| Банк Ромитан Агро банк | ИНН 305 161 184 ОКОНХ 85100 |
| МФО 00095 ИНН 300777077 | Ромитан туман Газначилик булинмаси |
| ОКОНХ: 21210 | ЯҒҲ: 23402000300100001010 |
| Рахбар: С.Саидов | Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ) МФО:00014 |
| (имзо) | Газначилик булинмаси СТИРи 201 122 919 |
| М.Ў. | Рахбар Х.Ахтамов |
| | Ф.И.О имзо |
| | М.у |

| “ТАСДИҚЛАЙМАН” |
|---|
| Ромитан туман МТБ |
| рахбари_______________(Х.Ахтамов)<br>(имзо) |

*Ромитан туман* Мактабгача таълим бўлими фаолияти учун олинадиган сут махсулоти нархини аниқлаш бўйича танлов комиссиясининг йиғилиш

**Б А Ё Н И №_______**

**2022 йил « 05 »01** **Ромитан шахар**

| Таркиб: | Лавозими | Ф.И.Ш |
|---|---|---|
| Раиси: | МТБ рахбари | Х.Адизов |
| Комиссия аъзолари: | Озик-овкат буйича бухгалтер | Ш.Шарипов |
| | Бош хисобчи | А.Бакоев |
| | Бош хисобчи ўринбосари | Ф.Рахимов |
| | Давлат харидлари бўйича ҳисобчи | Ф.Ганиев |

**К У Н Т А Р Т И Б И:**

**Эркин савдо орқали Ромитан туман Мактабгача таълим бўлими фаолияти учун олинадиган *сут* нархини аниқлаш,**

Ўзбекистон Республикаси конуни 2021 йил 22 апрелдаги №-684 сонли “Давлат харидлари тугрисида”ги конуни.Адля вазирлигида 2018 йил 26 майда руйхатга олинган “Харид килиш тартиби-таомилларини ташкил этиш ва утказиштугрисидаги” низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПК-3953-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари” тугрисидаги конунини амалга ошириш чора-талбирлари тугрисидаги карори хамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2016 йил 22 декабр 2850-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси коидалари”га мувофик Ўзбекистон Республикаси Согликни саклаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха бошкарув миллий агентлиги билан келишилган холда тасдикланган руйхат буйича дори воситалари ва тиббиётда кулланиладиган бюмлар-бюртмачи тузадигантанлов комиссиялари томонидан бахоланадиган энг макбул таклифларни танлаб олиш оркали амалга оширилиши лозимлиги.

Шунга асосан, танлов савдосига тақдим этилган етказиб берувчиларнинг тижорат таклифларидаги нархларини солиштирма (ракобат) варақаси таққослаб кўрилди:

| № | Махсулот номи | Улчов бирлиги | Микдори | Етказиб берувчилар таклифи | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | HAYIT TOLIB-SOXIB ф\х | Менинг Шелл МЧЖ | Универсал Логистик Гроупуз МЧЖ |
| 1 | Сут | литр | 1 | 3900 | 3950 | 4000 |

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1.Юкорида танлов савдосига тақдим этилган етказиб берувчиларнинг тижорат таклифларидаги нархларини солиштирма (рақобат) варақасига асосан « HAYIT TOLIB-SOXIB »ф/х таъминотчи савдо ғолиби ҳисоблансин.

2. Танлов якунлари буйича ушбу таъминотчи билан **13 127 400** сумга шартнома тузиш учун музокорага киришилсин.

3.Танлов комиссиясининг баённомаси ўқиб берилди ва тўғри тузилди деб тан олинди.

**И М З О Л А Р :**

| | | |
|---|---|---|
| **Раиси;** | **МТБ рахбари** | **Х.Ахтамов** |
| **Комиссия аъзолари;** | **Озик-овкат буйича бухгалтер** | **Ш.Шарипов** |
| | **Бош ҳисобчи** | **А.Бакоев** |
| | **Бош ҳисобчи урибосари** | **Ф.Рахимов** |
| | **Давлат харидлари бўйича ҳисобчи** | **Ф.Ганиев** |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
BUXORO VILOYATI
ROMITAN TUMANI
"HAYIT-TOLIB-SOXIB"
FERMER XO'JALIGI
"05 01 2022 y.
№ 1

**Ромитан туман** МТБ рахбари
Х.Ахтамовга

HAYIT TOLIB-SOXIB ф\х сизнинг суровингизга асосан куйидаги, **сут махсулотлари** нархининг 2022-йил январ ойи тижорат таклифини йулламокда

(сумда)

| **№** | **Махсулот номи** | **Улчов бирлиги** | **Микдори** | **Нархи** |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Сут | Литр | 1 | 3900 |

HAYIT TOLIB-SOXIB ф\х рахбари С.Саидов

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI ROMITAN TUMANI "HAYIT-TOLIB SOXIB" FERMER XO'JALIGI

**Ромитан туман** МТБ рахбари
Х.Ахтамовга

**Менинг Шелл МЧЖ** сизнинг суровингизга асосан куйидаги ,**сут махсулотлари** нархининг 2022-йил январ ойи тижорат таклифини йулламокда

(сумда)

| № | Махсулот номи | Улчов бирлиги | Микдори | Нархи |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Сут | литр | 1 | 3950 |

**Менинг Шелл МЧЖ** рахбари О.Сафаров

**Ромитан туман** МТБ рахбари
Х.Ахтамовга

**Универсал Логистик Гроупуз МЧЖ** сизнинг суровингизга асосан куйидаги **,сут махсулотлари** нархининг 2022-йил январ ойи тижорат таклифини йулламокда

(сумда)

| **№** | **Махсулот номи** | **Улчов бирлиги** | **Микдори** | **Нархи** |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Сут | литр | 1 | 4000 |

**Универсал Логистик Гроупуз МЧЖ** рахбари О.Сафаров

« Утверждаю »
Заведующая Санитарно-гигиенической лаборатории
________ Д.У.Хаитова
«05» 01. 2022 г

**Аккредитованный комплекс испытательной лаборатории**
**Бухарского Управления санэпидблагополучия и общественного здоровья**
**Свидетельство аккредитации UZ.AMT.07.MAI.493**
**Республика Узбекистан г.Бухара**
**улица И. Муминова 29, тел :( 8-365 ) 221-28-79, факс 223-37-40.**

# *ПРОТОКОЛ № 25*

**Наименование заказчика**: *Ф/Х «Хайит Толиб Сохиб» Ромитанский р-н.*
**Наименование изготовителя(потребителя):** *Производство Узбекистан*
**Обозначение и данные маркировки объекта испытания(измерения):** *Молоко коровье свежее-1проба*
**Цель, задача испытаний:** *Определение показателей безопасности*
**НД на продукции:** *СанПиН 0366-19.*
**НД на метод испытаний**: *ГОСТ 26932 - 86, 26930-86,26933-86,26927-86, 26931-86,26934-86; Мет.Ук. № 012-3/0008; №012-3/0012.*
**Условия проведения испытания:** *Т-20,0$^0$С, W-55%.*
**Испытания, проведенные субподрядчиком**________________

**Результаты проведения испытаний**

| № | Наименование параметров (требований) | Значение параметров (требований) | | | | | | Соответствие параметров (требований) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Фактически | | | | | | |
| *Токсичные элементы не более mg/ kg* | | | | | | | | |
| | | По НД | факт | | | | | |
| 1 | Свинец | 0, 1 | 0,00 | | | | | соответствует |
| 2 | Кадмий | 0,03 | 0,00 | | | | | соответствует |
| 3 | Ртуть | 0,005 | 0,000 | | | | | соответствует |
| 4 | Медь | 1,0 | 0,05 | | | | | соответствует |
| 5 | Цинк | 5,0 | 0,02 | | | | | соответствует |
| 6 | Мышьяк | 0,05 | 0,00 | | | | | соответствует |
| 7 | кислотность | 21,0 | 18,0 | | | | | соответствует |
| *Микотоксины не более mg/kg* | | | | | | | | |
| 1 | Афлотоксин М-1 | 0,0005 | 0,0000 | | | | | соответствует |
| *Пестициды не более mg/kg* | | | | | | | | |
| 1 | ГХЦГ и его изомеры | 1,25 | 0,00 | | | | | соответствует |
| 2 | ДДТ и его метаболиты | 1,0 | 0,00 | | | | | соответствует |

**Дата проведения испытания:** *05.01.2022 г.*
**Примечание:** *По направлению пом.с/вр Ромитанского ОСЭБи ОЗ Назарова К*

*Сан врач :* ________________
**Специалист лаборатории(ФИО./подпись/.дата).**
*вр. лаб:* Рахимова Д
*лаб :* Ражабова Н

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ZX6348068148

1. Loyihaning turi – shartnoma

**Loyihaning nomi –“Hayit Tolib-Soxib” fermer xo‘jaligi** va Romitan tuman maktabgacha ta’lim bo‘limi o‘rtasida sut mahsulotini (3366 kilogram 3900 so‘mdan jami:13.127.400 so‘mlik) yetkazib berish bo‘yicha 05.01.2022 yildagi №5-raqamli mahsulot yetkazib berish shartnomasi.

**Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:**

Mazkur №5-raqamli mahsulot yetkazib berish shartnomasi 05.01.2022 yilda Romitan tuman maktabgacha ta’lim bo‘limi tomonidan ishlab chiqilgan va 31.01.2022 yilda dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Tayyorladi:
**Romitan tuman yuridik xizmat ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti:** **B.Bo‘ronov**

**31.01.2022 y.**